ХАЛК СЎЗИ

خلق سوزی

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ КЕНГАШИНИНГ РЎЗНОМАСИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган | 1991 йил 21 сентябрь, шанба, 184-сон | НАРХИ обуначига 7 тийин, сотувда 10 тийин.

МУСТАҚИЛЛИК, АСРАЙМИЗ СЕНИ...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА

1991 йил 20 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасида Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг таъсис йиғилиши бўлди.

Банк таъсисчилари таркибига республика ҳукумати билан бир қаторда «Узглавлегснабсбыт», Фуқаро авиацияси Ўзбекистон бошқармаси, «Узхлопкопром» республика ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Средазкабель», «Узпроммашимпэкс», «Узагропромимпэкс» ва ўз ҳисоб дафтарчаларида катта ҳажмда хорижий валютага эга бўлган бошқа бир қанча йирик корхоналар ва ташкилотлар кирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банкини тузиш тўғрисида»ги фармонини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди ҳамда миллий банк фаолиятини таъминлашга доир биринчи галдаги тадбирлар ишлаб чиқилди.

Миллий банк бошқаруви аппаратини юқори малакали мутахассислар билан таъминлашга, уларни қайта тайёрлашга, хорижий ўқув марказларида ўқитишга ва банк иши соҳасидаги етакчи хорижий мутахассисларни жалб этишга алоҳида эътибор берилди.

Миллий банкни замонавий ҳисоблаш техникаси билан таъминлаш, жаҳондаги етакчи банклар билан ҳамкорлик ўрнатиш, республика вилоятларида ва ундан ташқарида банк бўлимларини очиш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Банк фаолиятини принцип жиҳатдан янги асосда, энг яхши жаҳон тажрибасидан фойдаланиб амалга ошириш, банк мижозлари ва шерикларини ишончли тарзда ҳимоя қилиш кўзда тутилмоқда.

Ўртоқ Б. С. Ҳамидов кенгашга якун ясар экан, банк фаолияти республика мустақиллигини янада мустаҳкамлашга, иқтисодиёт самарадорлиги ва халқ фаровонлигини оширишга кўмаклашади, деб ишонч билдирди.

Нуқтаи назар

МОСКВАДАН ТУРИБ НИМАНИ ҲАМ КЎРИШ МУМКИН

Мени қўлимга қалам ушлашга мажбур этган нарса «Известия» рўзномасидаги В. Вижутовичнинг «Узиб қўйилган вагон» мақоласи бўлди. Мақолани ўқиб ниҳоятда ҳайратландим. Ахир Ўзбекистонни қанча сўкиш, ҳақоратлаш, қадр-қимматини ерга уриш мумкин? Ва умуман, Москвада яшаб туриб бизнинг турмушимизни муҳокама қилиш қандай гап?

Марказий матбуот мақолаларининг деярли барчасида ўша бир хил кишилар — «Бирлик» йўлбошчиларининг фикри асос қилиб олинади. Нахотки, уларни оддий кишиларнинг мулоҳазалари қизиқтирмаса? Узоқ районлар, областларга келиб боқинг: катта ресурсларга эга бўла туриб, халқ қанчалик қашшоқ яшайди. Улар шундай бир шароитда яшайдиларки, ўзлари бошқа мамлакатларга табиий газ улашиб газсиз кун кўрадилар, Ҳатто ичимлик сувини ҳам сотиб оладилар. Шу даврга қадар жумҳурият барча бойликларини марказга жўнатди. Ўзига эса фақат ушоғи қолди. Бунинг ўрнига эшитгани ягона бир сўз бўлди: яна, яна, яна...

Бугун бошқа бир давр. Эндиликда биз ҳам ўзимиз ҳақимизда ўйлай бошладик. Ўзини «халқ ҳаракати» деб номлаган «Бирлик»ни бу ерга келаётган мухбирлардан кўра биз яхшироқ биламиз. Ҳақиқий демократлар митинглар ўтказиш, халқни қўрқувга солиш билан аҳволни яхшилаб бўлмаслигини билмайдиларми? Уларнинг мақсади — ҳокимиятга эришиш. Халқ фаровонлиги ҳақидаги гаплар эса шу мақсад йўлида бир ниқоб. Нахотки, москвалик журналистлар бизнинг регион учун барқарор вазият ҳаводек зарурлигини тушунмасалалар. Фарғона, Паркент, Ўш воқеаларининг ўзи етиб ортади бизга. Эҳтимол, шундай воқеаларни туғдириш кимгадир ёқимлидир. Бироқ одамлар мазкур мақолалардан сўнг бошқа бир тартибсизликлар туғилмасайди, деб жон ҳовучлаб турадилар. Ҳурматли журналистлар шулар ҳақида ҳам ўйлаб кўрсалар ёмон бўлмасди.

Мен оддий ҳурмат ва инсонийлик ҳақида яна икки оғиз гапирмоқчиман. Мустақил республика Президентининг сўзларини «Известия»нинг чоршанба сонида яна нотўғри талқин этганини қандай тушунмоқ керак! Уни ҳақоратлаш, қадр-қимматини шунчалик ерга уриш кимга зарур бўлиб қолдийкин? Унинг қандайлиги бизга кўпроқ аён-ку. Менинг билишимча, қанчалик оғир бўлмасин, «бақироқ» оппозицияга қарамасдан, барқарорликни сақлаб қолиш учун И. Каримов кўп иш қилмоқда.

Мен рўзномага ҳеч қачон мактуб йўлламаганман. Аммо юқоридаги мақолалар халқимизнинг қалбини жароҳатламоқда. Шу туфайли қўлга қалам олишга мажбур бўлдим.

Н. АЛИЕВА,
Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети «Наврўз» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг ташқи иқтисодий алоқалар бўйича бош мутахассиси.

Оқолтин районидаги Сардоба пахта тозалаш заводига чўлқуварлар етиштирган дастлабки ҳосил карвони кириб келди. Қайта ишловчилар жорий йилда 38 минг тонна хом ашёни қабул қилишга сўз берганлар. Район хўжаликларида «зангори кема»лар ишга тушгач «оқ олтин» карвонининг қатнови ҳам жадаллашди.

СУРАТЛАРДА: юқорида «оқ олтин» карвонига бағишланган тантананинг очилиши. Пастда эса ҳосил байрами шодиёналаридан лавҳа.

Е. БОТИРОВ
олган суратлар.

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЎЗ ЙЎЛИ БОР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг матбуот конференцияси

Аввал хабар берилганидек, 18 сентябрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. А. Каримов журналистлар билан суҳбатлашди. Унда асосан чет эл мухбирлари, шу жумладан Американинг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда айтилган фикрларни «Известия» рўзномаси бузиб кўрсатганлиги тўғрисида гап борди.

Суҳбатда республика ва марказий рўзномаларнинг вакиллари, оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари, шунингдек «Вашингтон пост» газетасининг, «Озодлик» радиостанциясининг мухбирлари ҳам қатнашдилар.

Матбуот ходимлари билан учрашув битта масалага бағишланиб ўтказилмоқда, — деди И. А. Каримов, — У ҳам бўлса, бугунги «Известия» газетасининг биринчи саҳифасида «Президент ўз республикасини демократияга тайёр эмас, деб ҳисобламоқда» деган сарлавҳа остида берилган мақола ҳақида гаплашиб олмоқчи эдим.

Бу мақолани «Известия» рўзномасининг шу йил 14 сентябрь сонида эълон қилинган Валерий Вижутовичнинг «Узиб қўйилган вагон» сарлавҳали материалининг давоми деса бўлади, чунки бу иккала мақола бири-бири билан узвий равишда чамбарчас боғланиб кетган бўлиб, айни бир мақсадни кўзлайди.

Ҳа, шундай. Бугунги мақола ҳам тўқиб чиқарилган турли-туман уйдирма билан суғорилган, унда фактлар бузиб кўрсатилган. Бундан мақсад ўз мустақиллигини эълон қилган Ўзбекистон жумҳуриятининг обрўсига қандай бўлмасин доғ туширишдан иборат.

Масалан, унда Ўзбекистон Президентининг айтган гапларини, уларнинг мазмунини ҳам, мақсадини ҳам ўзгартириб, кераксиз, ноўрин фактларни ишлатиб, Ўзбекистоннинг мустақил жумҳурият бўлишига асос йўқ, унинг мустақиллиги бугунги кунда, бугунги шароитда керак бўлмаган нарса, бунақа мустақиллик ҳеч кимга зарур эмас ва республикамиз халқлари, асосан Ўзбек халқи учун бундай мустақиллик керак эмас, деган фикрларни тиқиштиришга ҳаракат қилинган. Умуман айтганда, одамларнинг мустақилликкка бўлган муносабатини қандайдир йўллар билан чалғитишга, ана шу масалаларда ўз қарашларини кишилар онгига сингдиришга ҳаракат қилинган.

Мақолада Ўзбекистон Президентининг «Ассошиэйтед пресс» ахборот агентлиги материалларида баён қилинган бир қатор асосли фикрлари ўз аксини топмаган. Улар атайлаб тушириб қолдирилган. Масалан, мақолада «Ўзбекистон Россия федерацияси ва Украинадан кейин СССРдаги учинчи республикадир. Лекин у энг қашшоқ республика бўлиб, экономикаси пахта хом ашёсидан келадиган даромадгагина қараб қолган ва унинг йиллик даромади жон бошига ўртача қарийб 1200 сўм (2160 доллар)ни ташкил этади. Бу эса мамлакатдаги ўртача даромаддан икки марта камдир», деган жумлалар ташлаб кетилган. Мақолада, шунингдек, менинг: «Ўрта Осиё ва Ўзбекистон ўз хусусиятларига эга, биз ўзимиз танлаган йўлдан борамиз, жазавага тушиш ва нарх-навога бутунлай эрк бериш бизнинг шароитимизга ҳеч қандай наф келтирмайди» деган гапларим атайлаб чилпиб ташланган. Бундай мисолларни яна айтишим мумкин.

Ўзбекистон Президенти суҳбат чоғида ана шу чалкаш мақола юзасидан «Известия» рўзномасининг раҳбарияти билан сўзлашиб, унга ўз норозилигини баён қилганлигини, рўзнома бош муҳаррири бу масалани албатта синчиклаб ўрганиб чиқишини айтганлигини таъкидлади.

И. А. Каримов шуни алоҳида айтиб ўтдики, ҳар қандай мамлакатнинг ва ҳар қандай республиканинг мустақиллиги уларнинг ички ишидир, албатта. Ҳар бир миллат, ҳар бир халқ, ҳар бир республика ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқига эгадир.

Республика мустақиллиги ва унинг СССР таркибидан чиқиши Иттифоқ шартномаси ҳамда Мустақил давлатлар шартномаси лойиҳасида айтиб ўтилган туб масалалардан бири эканлиги эслатиб ўтилди.

Республикамиз Олий Кенгаши Мустақиллик декларациясига амал қилиб, жумҳуриятимизнинг давлат мустақиллигини ва озод суверен давлат — Ўзбекистон Республикасы ташкил этилганлигини тантанали равишда эълон қилди.

Республика Президенти журналистларнинг эътиборини иқтисодий шартноманинг аҳамиятига ва ана шу шартномани имзолаш зарурлигига қаратди. У ҳар қандай шароитда таркиб топган иқтисодий алоқаларни сира ҳам узмаслик кераклиги, иқтисодиёт бугунги кунда барчага ҳаводек зарур эканлиги тўғрисида гапирди.

Ўзбекистоннинг ўз йўли бор, — деди суҳбат давомида И. А. Каримов, — Бу йўл — мустақиллик йўли, бирдан-бир тўғри йўлдир. Ана шу танлаб олинган йўлдан орқага қайтиш йўқ, бўлиши ҳам мумкин эмас.

Суҳбатда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллигини, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳамда ҳудудий бирлигини ҳимоя қилиш мақсадларида республикамизда Мудофаа ишлари вазирлиги ва миллий гвардия тузилганлиги, унинг вазифалари тўғрисида гапирилди.

Республика аҳолиси турмуш шароитларини яхшилаш, ўқитувчилар тўғрисида янада кўпроқ ғамхўрлик қилиш, уларга қулай имкониятлар яратиб бериш, ёш авлодни тарбиялаш, уларнинг билимдон бўлишларини таъминлаш, иқтидорли йигит-қизларни илм олиш учун хорижий мамлакатларга ўқишга юбориш, шунингдек кўппартиявийлик, халқлар ўртасида ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ролини ошириш сингари масалаларга ҳам эътибор қаратилди.

И. А. Каримов жаҳон матбуоти эўр таъсир кучига эга бўлиб, биз ана шу матбуот орқали ўз сиёсатимизни дунё миқёсига олиб чиқишимиз, чет мамлакатлар билан бу соҳада мустаҳкам алоқа боғлашимиз кераклигини, шу мақсадда Ўзбекистон ахборот агентлиги ишини кучайтириш лозимлигини, бу агентлик бундан буён мустақил ташкилотга айланиб, унинг чет мамлакатларда ҳам ўз мухбирларига эга бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Ўзбекистон Президенти И. А. Каримов журналистларнинг кўпдан-кўп саволларига жавоб берди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Президент фармони амалда

ДОНИ БОРНИНГ НОНИ БОР

Ғалланг бўлса, қўшиқ ҳам оғиздан тушмайди, деган нақл турғунлик йилларида тез-тез такрорланарди. Ўша кезларда қандай қўшиқлар куйлангани кўпчиликнинг ёдида. Шу гап рост бўлса, ҳозир биз учун ғалла ҳар қачонгидан ҳам зарур ва ардоқли. Негаки юртимиз узра Мустақиллик қўшиғи янграяпти. Бу муқаддас қўшиқ авж пардаларида жаранглаши, бир лаҳза ҳам тинмаслиги, сусаймаслиги шарт. Бунинг учун эса ғалла керак, нон керак!

Қишнинг оғир келиши тахмин қилинмоқда. Эҳтимол, бизнинг серқуёш юртимизда қаҳратон қиш қиличини яланғочламас, бироқ унинг машаққатли бўлиши тайин. Мамлакатнинг баъзи нуқталарида очарчилик кўланкаси пайдо бўлгани ҳақида машъум мишмишлар юрибди. Балки бу гапларда ҳам жон бордир. Чунки издан чиққан иқтисодиётимиз дарз кетган уй мисоли қаҳратонга эмас, изғиринга ҳам дош беролмайди.

Шундай экан, халқнинг ҳоли нима кечади? Айниқса серфарзанд ўзбек оилалари чирқираб қолмайдими? Бундай таҳликали, саросимага тўла саволлар одамларга тинчлик бермай қўйди. Ҳайриятки, Президентимизнинг «Республика қишлоқ аҳолисини овқат учун дон (буғдой) билан таъминлашга доир қўшимча чоралар тўғрисида»ги фармони саросимага туша бошлаган кишиларга таскин берди. Фармонга биноан республика жамоа ва давлат хўжаликлари 1991 йилда етиштирилган дон (буғдой) ҳосилининг ортиқчасини ғалла ўрими учун натура ҳолида тўловга қўшимча равишда ҳар бир қишлоқ оиласи, жумладан пенсионерлар, врачлар, ўқитувчилар ва аҳолининг бошқа тоифасидаги оилаларга камида 100 килограммдан дон (буғдой) сотишга рухсат этилди. Вазирлар маҳкамаси эса ана шу фармон асосида жумҳуриятдаги 2.210.426 қишлоқ оиласига ўртача 100 килограммдан, жами 221.042 тонна буғдой сотилиши зарурлигини белгилади.

Қишлоқ оилалари, хусусан кўп болали хонадонлар учун 100 килограмм буғдой етарли эмас. Лекин аргамчига қил қувват деганларидай, бу дон қийин пайтларда одамларнинг корига ярайди. Бундан ташқари омборда дон турса, кўнгил ҳам тўқ бўлади.

Куни кеча республика Қишлоқ хўжалиги вазирлигидан хушхабар келди: аҳолига дон (буғдой) сотиш режаси бажарилибди. 17 сентябргача республика бўйича 2.231.076 қишлоқ оиласига 227.512 тонна буғдой сотилиб, бу соҳадаги топшириқ 102,9 фоиз адо этилди. Ҳар бир оилага ўртача 102 килограммдан дон сотилди. Қўйида диққатингизга жумҳуриятнинг вилоятларида топшириқ қандай бажарилганини (17 сентябрга) кўрсатувчи маълумотни ҳавола этамиз.

Хайрли ишнинг охири ҳам хайрли бўлади. Ўйлаймизки, халқимизга қайишган, унинг оғирини енгиллаштиришга ҳаракат қилган раҳбарлар, хўжалик фаоллари эл олқишидан баҳраманд бўлғусидир.

Омборда донимиз бор экан, тандирда нонимиз бўлаверади. Жумҳуриятимиз Президенти аҳолига дон сотиш ҳақида фармон чиқарганда худди ана шуни назарда тутган эди.

Н. ШАКАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Вилоятлар	Жами оилалар сони	Топшириқ тонна	Топшириқнинг бажарилиши		Дон олган оилалар сони	Ҳар бир оилага берилган ўртача дон миқдори (кг.)
			тонна	фоиз		
ҚҚАССР	96700	9670	2792	28,9	28660	97,4
Андижон	220600	22060	23316	105,7	220660	105,7
Бухоро	209000	20900	21356	102,2	220384	96,9
Жиззах	84500	8450	11500	136,1	96500	119,2
Қашқадарё	203200	203200	22814	112,3	217400	104,9
Наманган	207700	20770	21192	102,0	207901	101,9
Самарқанд	288700	28870	32194	111,5	320540	100,4
Сурхондарё	190434	19043	22045	115,8	210320	104,8
Сирдарё	67100	6710	7026	104,7	71346	98,5
Тошкент	207600	20760	20850	100,4	208000	100,2
Фарғона	310292	31029	33581	108,2	318790	105,3
Хоразм	124600	12460	8846	71,0	110575	80,0
Ж а м и:	2210426	221042	227512	102,9	2231076	102,0

НАМАНГАН ВИЛОЯТ СОВЕТИДА

XXI чақириқ халқ депутатлари Наманган вилоят советининг VIII сессияси бўлди. Унда «Вилоят халқ депутатлари советлари ва ижроия органларининг аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлашга қаратилган Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ижросини таъминлаш бўйича олиб бораётган ташкилотчилик ишлари ҳақида»ги масала муҳокама этилди.

Вилоят совети ижроқўми раисининг биринчи ўринбосари И. Нажмиддинов маъруза қилди.

Сессия вилоят марказидаги Ленин номли бош майдон номини «Тинчлик» майдони деб ўзгартиришга қарор қилди. Келгусида тинчлик рамзи акс эттирилган ёдгорлик лойиҳаси учун танлов эълон қилинди.

Шунингдек сессияда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Р. ИРИСОВ.

Халқаро анжуман

23 сентябрда Тошкентда «Ҳунар-техника таълими бозор иқтисодига ўтиш шароитида» деган мавзуда халқаро анжуман иш бошлайди. Анжуманда Халқаро меҳнат ташкилотининг мутахассислари, Оврупо, Осиё ва Лотин Америкаси мамлакатларининг вакиллари, ҳунар-техника таълими масалалари билан шуғулланаётган илмий муассасаларнинг раҳбарлари ва Ўзбекистон жумҳурияти мутахассислари қатнашадилар.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, жумҳуриятимиздаги Ленин номли бош майдон номини «Тинчлик» майдони деб ўзгартиришга қарор қилди. Келгусида тинчлик рамзи акс эттирилган ёдгорлик лойиҳаси учун танлов эълон қилинди.

Шунингдек сессияда бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Р. ИРИСОВ.

Халқаро анжуман

билим юрти ҳамда жумҳуриятнинг Халқ таълими вазирлигининг саъй-ҳаракати туфайли ушбу анжуман йиғилди.

— Жумҳуриятимиз иқтисодиёти таркибан тубдан ўзгариш арафасида, — дейди Халқ таълими вазирлигининг ҳунар-техника таълими бош бошқармасининг бошлиғи В. А. Шарипов. — Бу бизнинг соҳага ҳам даҳлдор. Халқ хўжалигининг барча тармоқлари каби ҳунар-техника таълими ҳам бозор муносабати шароитида ишлайди. Аммо бозор барча масалаларни ҳал қила олмайди, у бу масалаларни ҳал қилиш воситаларидан бири, холос. Ўйламай қилинган қалтис бир ҳаракат кутилмаган натижа бериши мумкин. Мана шунинг учун ҳам бозор иқтисодиёти синоатини билиш ҳозирги кунинг қатъий талабларидан биридир.

Бизнингча, дунёда бу соҳада катта тажриба тўпланган. Бинобарин, ушбу соҳанинг нуфузли вакилларини анжуман ишига жалб қилиш бизга жумҳуриятимиз ҳунар-техника таълими бозор муносабатига қадам қўйиши учун энг қулай йўл топишга имкон беради. Ўйлайманки, анжуман қатнашчилари унга пухта тайёрланиб келадилар.

В. ПЕТРОВ.

ИШБИЛАРМОНЛАР БОР БЎЛСИН

Келишилган вақтда борсам Тошкент вилоят матлубот жамияти раиси банд экан. Ўттиз дақиқалардан сўнг учрашдик. Муҳаммаджон Орипжонович Зокиров узр сўраб, сабабини тушунтирди. Ўзбекистон мустақил жумҳурият деб эълон қилинган кунларда Тошкентга келган туркиялик тадбиркорни қабул қилган экан.

— Вилоят кооператорлари шу кеча-кундузда нималар қилишаяпти, улар олдида турган асосий вазифалар нималардан иборат?

— Вилоят матлубот жамиятининг 70 дан зиёд вакили мамлакатимизнинг турли минтақаларига жўнаб кетган, мақсад — вилоятимизга озиқ-овқат маҳсулотлари, хом ашё, қурилиш моллари етказиб бериш хусусида шартномалар тузиш. Бу бежиз эмас, албатта. Марказий жамғармалардан маҳсулот олишимизга умид оз. Агар ўтган йилларда молларнинг 60-70 фоизини Центросоюз ва Ўзбекбирлашув орқали олган бўлсак, бу йил 40 фоиздан ошмайди. Мана шунинг учун ҳам вилоят кооператорлари мол излаб, аввалам бор озиқ-овқат излаб мамалакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларига тарқаб кетдилар.

Шуни айтиб ўтишим керакки, кооператорларнинг ҳозирги кундаги аҳволи уларни мол топиш учун барча имкониятларни ишга солишга мажбур қилаяпти, бунинг учун аввалом-бор қўшнимиз Қозоғистон билан азалий алоқаларни қайтадан тикладик. Чимкент, Қизилўрда вилоятлари билан ғалла сотиб олиш ҳақида шартнома тузилди. 700 тонна ғалла ташиб олиб келдик, бу иш давом этади. Қишгача вилоят кооператорлари бир неча минг тонна ғалла ва ун сотиб олишлари керак. Бундан ташқари аҳолига қишда сотиш учун кўплаб мева-сабзавот, картошка, гуруч, мош ва бошқа маҳсулотлар ғамлаяпмиз.

— Вилоятнинг 15 районида аҳолини нон билан кооператорлар таъминлашаяпти. Мана шу заҳира нонвойхоналар бетўхтов ишлаши учун етарлими?

— Дарвоқе, деярли ҳар бир районда, Ғалаба ва Оржоникидзе районларида иккитадан нонвойхонамиз бор. Булардан ташқари барча районларда тандир цехларимиз бор. Бир сўз билан айтганда, бир кеча-кундузда 270 тонна нон ёпамиз. Бизга унни давлат етказиб беради. Ўз-ўзидан маълумки, заҳирани биз ўзимиз ташкил этишимиз керак. Бунинг учун ҳамма район матлубот уюшмаларига ун ва ғалла сотиб олишга кенг имконият бердик. Бунда мол айирбошлашдан фойдаланяпмиз. Мана шундай олди-сотди учун консервалаш корхоналарида ишлаб чиқарилаётган ортиқча маҳсулотдан фойдаланмоқдамиз.

Бошқа томондан, бу маҳсулотни нақд пулга ҳам сотиб олишимиз мумкин, лекин бунга нарх-навонинг ҳар хиллиги монелик қиляпти. Барча жумҳуриятларда уннинг нархи анча ошган. Ўзбекистонда эса Президентнинг қарорига биноан уннинг ва нонинг нархи ошмади. Шу важдан биз бир килограмм унни Қозоғистонда 1 сўмга сотиб олиб, 25 тийинга сота олмаймиз.

— Район матлубот уюшмаларига ун, ғалла ва бошқа маҳсулотлар заҳирасини яратишда катта ҳуқуқ бердик, дедингиз. Аниқ бир мисол айта оласизми?

— Албатта. Коммунист районининг кооператорлари Қизилўрда вилояти билан шартнома тузиб, 230 тонна буғдой олиб келишди. Ундан сўнг гуруч, шоли, мош «кела бошлади».

— Шу дамгача фақат нон ҳақида гаплашдик. Бошқа маҳсулотлар-чи?

— Масаладан бироз четга чиқиб, шуни айтмоқчиманки, Янгийўл ва Оржоникидзе районларидаги 2 та консерва корхонасида 7 ой ичида 3 миллион 100 минг дона шартли банка сабзавот консерваси ишлаб чиқарилди. Айни мана шу маҳсулотни биз ўзимизга зарур молга айирбошлаяпмиз, чет элдан ҳам шериклар топдик. Лекин бизнинг мева-сабзавот маҳсулотимизга чет элда талаб унчалик катта эмас. Шунинг учун ҳам биз турли корхоналар билан алоқа ўрнатиб, улардан олган маҳсулотимизни озиқ-овқатга айирбош қилаяпмиз. Шу йўл билан Германиядан 300 тонна парранда гўшти, Хитойдан 200 тонна мол гўшти олдик. Бу мана шу соҳадаги илк амалий қадамлардир, холос. Улардан умидимиз катта, чунки чет эллик шерикларимиз бу ишни давом эттириш истагини билдирдилар.

Мол айирбошлаш билан эҳтиёжимизни тўла қондира олмаймиз. Бунга бозорни тўлдиришнинг қўшимча бир манбаи деб қараш керак. Авваломбор гўшт етиштириш борасида ўзимизнинг барча имкониятларимизни ишга солиш зарур. Шу кеча-кундузда бўрдоқичилик хўжаликларимизда 3440 та йирик қорамол, 3800 та майда мол, 3800 бош чўчқа, 120 минг парранда боқилмоқда. 7 ой ичида 1348 тонна гўшт, 5 миллион 160 минг тухум олдик. Бундан ташқари бўрдоқичилик хўжаликлари учун ажратилган майдондан 480 тонна ғалла олинди. Тармоқни тўла хўжалик ҳисобига ўтказганлигимиз туфайли шундай натижага эришдик.

Колбаса ишлаб чиқарадиган корхоналар ҳам борлигини қайд қилиб ўтишим керак. Ўтган вақт ичида 305 тонна маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бу камлик қилади, албатта, колбаса тайёрлаш учун зарур бўлган баъзи нарсаларнинг йўқлиги, ишимизга ҳалақит беряпти. Шуни ҳам айтиб ўтмоқчиманки, вилоятимиздаги бўрдоқичилик хўжаликлари ва колбаса цехларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот вилоятимиз аҳолисига сотиляпти.

— Муҳаммаджон Орипжонович! Президент фармонига мувофиқ ўз вақтида жамоа хўжаликлари ва шўро хўжаликларида кишиларга уй-жой қуриш ва томорқа учун ер ажратиб берилган эди, улар яқин келажакда истеъмол бозорини қўшимча мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулоти билан тўлдириши керак. Қурилиш моллари йўқлиги сабабли иш биз ўйлагандек олға босмаяпти. Вилоят матлубот жамияти бу борада нима қиляпти?

— Жуда жиддий савол бердингиз. Аҳолига кўпроқ тахта-ёғоч ва қурилиш моллари етказиб бериш учун кўп иш қиляпмиз. Тахта-ёғоч топиш мақсадида кўплаб ташкилотлар билан алоқа ўрнатяпмиз. 155 миллион сўмлик қурилиш моллари олиш учун шартнома тузидик. Ҳозирнинг ўзидаёқ шифер, қувур ва бошқа маҳсулотларни ола бошладик.

Мана шу камёб моллар район ижроия қўмитаси билан келишиб тарқатиляпти. Улар навбатда турганларга, ногиронларга, уруш қатнашчиларига, меҳнат фахрийларига сотиляпти.

Ғишт масаласига келсак, деярли ҳар бир районда ўзимиз ғишт ишлаб чиқаряпмиз. Ҳозир Пскентда йилига 15 миллион пишиқ ғишт ишлаб чиқарадиган заводни қуриш учун ҳамма нарса тахт.

— Яқинда Пскентда бўлганимда универмагга кирган эдим. Тан олишим керакки, молга тўла пештахталарни кўриш мен учун янгилик бўлди. Пойабзал, кўйлак, костюм, пальто, тўғри, уларнинг аксарияти ўзимизда ишлаб чиқилган. Ахир бундан бир неча кун бурун пештахталар бўм-бўш эди. Ҳозирги кунда мол топиш қийин бўлса керак?

— Албатта, лекин иккинчи томондан, бу жумҳуриятда аҳвол нисбатан барқарорлигидан далолат беради. Корхоналар бир маромда ишлашга ўтяпти. Хорижий молларга келсак, бурун йирик қишлоқ универмагларида бундай моллар кўп бўларди, уларни ҳар бир районда савдо баҳосида сотиб олиш мумкин.

Муаммолар ҳам йўқ эмас, албатта. Улардан биттасини айтиб ўтай. Биз ҳар бир районда «Ёш оила» деган махсус дўкон очяпмиз, бундай дўконлардан ёш келин-куёвлар Президент фармонига мувофиқ имтиёзли нархда жумҳурятимизда ишлаб чиқарилган уй жиҳозлари ва гилам олишлари мумкин. Аммо биз 7-7,5 минг уй жиҳози оламиз, оила қураётганлар эса икки ҳисса кўп. Мана сизга муаммо.

Қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ, албатта. Чунки биз кооперациямиз, излаб топиб, харидорга таклиф қилишимиз керак. Шу борада вилоятда ташкил этилган савдо баҳосида мол сотиш ҳақида гапириб ўтиш лозим. Бу тартиб жорий қилинганига икки йил бўлди. Улар ойига 3 миллион сўмлик мол сотишаяпти.

Хизмат кўрсатиш ва савдо соҳасида эркинлик кун сайин кўпайиб бораётган бир вақтда кооператорлар олдида истеъмол бозорини молга тўлдириш учун кенг имконият очилди. Вақтни бекорга ўтказмасдан ҳаракат қилиш керак. Ҳар куни мол биржаси, қўшма корхона ташкил этилганини эшитиб қоламиз. Савдо-содиқ кўз ўнгимизда ўзгариб боряпти. Муваффақият қозонаман деган киши ортда қолмай, омадлилар билан бир сафда одимлаши керак. Эски усуллар энди иш бермайди, савдода уларга таяниш ярамайди. Кооператорлар фақат шу йўлдан боришлари керак. Бўлажак муваффақиятлар гарови мана шунда. Бизга тез-тез хорижлик ишбилармонлар келаётгани бежиз эмас, туркиялик ишбилармоннинг бугунги ташрифи ҳам тижоратга муносабатимиз ўзгараётганлигининг аломатидир.

— Айтгандек, у нима таклиф қилди?

— Биргаликда турк дўконни очишни таклиф қилди. Бундай таклифларни бундан буён мунтазам олиб туришимизга ишончимиз комил. Жумҳуриятимиз мустақил давлат деб эълон қилиниши тадбиркорлик учун дарвозаларни ланг очиб беради.

А. ТОШКЕНБОЕВ,

«Халқ сўзи» — «Народное слово»нинг Тошкент вилояти бўйича мухбири.

САМАРАЛИ ЙЎЛ

РЕПОРТАЖ

ТОШКЕНТ. Кеча Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари намойиш хонасида очилган Ҳиндистон савдо кўргазмасида олтмишга яқин фирма ва компания қатнашмоқда. Бу — дўст мамлакатларнинг олди-сотди муносабатлари тарихида биринчи маротаба ташкил этилган экспозициядир.

СУРАТЛАРДА: 1. «Матҳару экспортс ПВТ ЛТД» компанияси бош директорининг ўринбосари С. Матару. 2. «Ражив Оверсиз ПВТ ЛТД» фирмаси директори Ражив Наранг кўргазмага чарм ва ип газламадан тикилган кийимлар, бошқа хил харидоргир буюмлар олиб келди. 3. Кўргазма залларидан бирида.

Р. ШАГАЕВ олган суратлар. (ЎзТАГ).



АНДИЖОН ЯНГИЛИКЛАРИ

ҲАМЮРТЛАР ЕДЛОВИ

ИҚТИДОРЛИ хушовоз хонандалар Чўлпон шеърларини қўшиқ қилиб куйлаганда табаррук шоир яна бир бор ҳаётга қайтгандек бўлди. Андижонлик ҳофизлар шоир ижодининг ноёб қирраларини тингловчилар қалбига етказишди.

Чўлпон шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар танловининг ташаббускори «Китобхон» жамияти ҳамда маданият бошқармаси бўлди. Баҳсда қўшиқларни шунчаки тинглаб бўлмади, дилларни ҳаяжон эгаллади. Кўнгиллар қўшиқларда ифодаланган дарддан ларзага келди. Кўзларда ёш қалқиди.

Беллашувда Андижон районилик ҳаваскор қўшиқчилар Муҳитдин Усмонов, Ҳасанбой Абдурахмонов, хўжаободлик Мўминмирзо Маматов ғолиб бўлишди.

ЧИҚИНДИДАН БЕЗАК

АНДИЖОНДАГИ «Намуна» ширкати ишбилармонлари иқтисодий танглик ҳукм сураётган ҳозирги кезда хайрли ишга қўл уришди. Ёғоч чиқиндиларидан безак лента-лари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Харидоргир маҳсулотни тайёрлаш қийин эмас. Ёғоч қириндилари, елим ва дастгоҳ кифоя. Аммо маҳсулот ҳар бир иморат тиклаётган киши учун ниҳоятда зарур. Ахир уйнинг шифтини безатиш керакми? Шубҳасиз.

Маҳсулот арзон. Бир квадрат метри 8 сўм. Бундан ташқари ширкатчилар турли кошинлар ҳам тайёрлашаяпти. Яқинда ўтказилган вилоят ҳунармандлар кўргазмасида ширкат маҳсулотлари юқори баҳоланди.

ЭРТАНИНГ УМИДИ

ХЎЖАЛИКНИНГ хусусий заводи бўлса яхшими? Албатта, фойдали. Балиқчи районидаги «Бўстон» давлат хўжалигида пахта тозалаш заводи қурилаяпти. Корхона келгуси йилнинг бошида ишга тушади. Корхона йилига 10 минг тонна пахтани қайта ишлайди.

Хўжалик ишбилармонлари завод ишга тушгач толанинг бир қисмини Францияга сотишмоқчи. Икки томонлама келишувга мувофиқ буюртмачилар давлат хўжалигига хорижнинг энг замонавий тикув, тўқув дастгоҳларини юборишади. Кейинчалик балиқчиликлар жаҳон бозорига хом ашё эмас, тайёр маҳсулот чиқаришни режалаштиришаяпти.

Ф. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЯНГИ ИШ ЖОЙЛАРИ

Хўжаобод районининг Булоқбоши қишлоғида Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасининг бўлими фойдаланишга топширилди. Бу ерда ўнлаб йигит ва қизлар ишга жойлашдилар. Марҳамат, Избоскан ва Пахтаобод районларининг қишлоқларида ҳам бундай бўлимлар яхши ишлаб турибди.

Булоқбошилик пойабзалчилар болалар ва ўсмирлар учун оёқ кийимлари, шунингдек миллий пойабзал тикиб чиқаришга ихтисослашадилар. Бу ерда йил охиригача 250 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилади.

(ЎзТАГ мухбири).

ТАРТИБ ҚАЧОН ЎЗГАРАРКИН?

САМАРҚАНДДАГИ «ҲУЖУМ» ПИЛЛАКАШЛИК ФАБРИКАСИ ИШЧИЛАРИ МЕҲНАТИГА МУНОСАБАТЛАР ТЎҒРИСИДА

«Ҳужум» пиллакашлик фабрикасининг қоқ ўртасидан машҳур «Оби Машҳад» ариғи оқиб ўтади. Фабрикага етгунча зилоланиб оқкан сув ундан ўтгач чиқиту ахлатларга кўмилиб кетади. Фабриканинг деярли барча цехларида иш сув билан боғлиқ. Сув эса, табиийки, «Оби Машҳад» ариғидан дамба орқали олинади.

Сортларга ажратиш цехини фабриканинг остонаси дейиш мумкин. Шундоқкина цех эшиги ёнида «Шарқ» маҳалласидан чиқадиган оқова ариқча орқали «Оби Машҳад»га тушади. Цехга яқинлашмасданоқ димоғингизга ачқимтир балчиқ ҳиди урилади. Айтишларича бу цех тахминан 1897 йили савдогарлар томонидан қурилган экан. Қоронғи, зах, ачимсиқ ҳидда 8 соат ишлаш у ёқда турсин, ҳатто 8 минут ҳам тура олмайсан, киши. 21 йилдан бери усталик қилиб келаётган Степан Иванович Тужаев бино нари борса қишгача чидаш беришини айтганида ҳайратланиб қолдим. Шу сабабмикан ишчилар юрак ҳовучлаб ишлашади.

Пилла шу ернинг ўзида уч турга: кичик, ўрта ва катта хилларга ажратилади. Қўшни хонада 30 га яқин хотин-қиз меҳнат қилади. Фабрикада хотин-қизларга енгиллик яратиш бўйича Президентнинг фармони ҳали бу ерларга етиб келгани йўқ. Борганимизда цехнинг илғор ишчиларидан бири Моҳира опа Саломова бор ҳақиқатни айтиб ташлади:

— Сиздақа журналистларни кўп кўрганмиз, сингилим. Ёзишади-ю, қоғозда қолиб кетаверади: ҳеч нарса ўзгармайди. Қачон бизнинг елкамизга офтоб тегаркин. Цехимизда 10 та эркак, 30 та хотин-қизмиз. Ускуналар 1929 йилда қурилган, ишларни деярли қўлда бажарамиз. Кунига 7 — 8 мартадан 30 — 40 килоли қопларни тарозига қўлда кўтариб борамиз. Маошимиз бор-йўғи 120 сўм. Ваҳоланки, ишламай уйда ўтирганлар ҳозир 60 сўм олишади. Цехда ҳаво янгилаш воситалари, печлар ишламайди. Заҳарли иш учун қўшимча қиймат тўлаш ҳам ҳеч кимнинг хаёлига келгани йўқ. Сут ва сут маҳсулотлари билан бепул таъминлаш ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Шунданми, ишчилар қўнимсизлиги роса авжида.

Сизга яқинда бўлган бир воқеани гапириб берай: Н. ва Г. исмли келинчаклар ҳомиладор бўлишларига қарамай енгилроқ ишга ўтказилмади. Бир гал 40 килоли қопни тарозига олиб боргунича бардош бера олмай йиқилган, фарзанди нособ бўлган. Г.нинг ўзини эса зўрга асраб қолишган. Н. нинг қисмати ҳам худди шундай бўлгани етмаганидек, оиласидан ажралиб кетишига оз қолди ва ишини ташлаб кетди.

Ипак эшиш цехи эса фабриканинг энг оғир участкаларидан биридир. Унда 300 га яқин киши ишлайди. Деярли барчаси аёллар: тик оёқда туриб ишлашади. Стол бўйи баландлигида қурилган қозонлар уч хил босимга эга: 45-70-92 даражали иссиқликда сув бақирлаб қайнамоқда. Ҳар бир қозон ёнида милтиллабгина совуқ сув оқиб турибди. Бу қўл куймаслиги учун. Аёлларнинг қўллари ишқорли сувга ботириб олаверилганидан тилим-тилим бўлиб кетган. Майсара Султонованинг айтган сўзларидан сўнг сабр косалари лим-лим тўлган ишчиларнинг аҳволини англагандай бўлдим. Майсара ҳам 12 йилдан буён шу ерда ишлаётир. Аммо бирор марта ҳатто қуруқ раҳмат ҳам эшитмаган. Маошлари ҳам арзимас 200 — 250 сўм атрофида.

Навбатдаги цех чиқинди цехи деб аталаркан. Бу бино ҳам 1892 йилда қурилган. Унинг маҳсулотлари Япония, Бельгия саноат корхоналари учун экспорт қилинади. Аёлларимиз агарда япон рўмолларини кўришса борми, ўзларини томдан ҳам ташлашдан тоймайди. Лекин аслида мана шу рўмол-у, Бельгия костюмлари ўзимиз чиқитга чиқарган маҳсулотлардан тайёрланишини хаёлларига ҳам келтиришмайди. Пилла ичидан чиққан чиқитлар эса моллар учун тўйимли озуқа ҳисобланади. Бизда сахийликни жуда ҳам ошириб юборишади: новосибирсклик чорвадорлар харидор бўлган озуқадан ёнгиналаридаги фермалар бехабар қолади.

Айни пайтда «Ҳужум» фабрикасида 1853 ишчи меҳнат қилади. Уларнинг деярли 90 фоизи аёллар. Шу йилнинг 6 ойи мобайнида режадаги 2 миллион 689 минг сўмлик маҳсулот ўрнига 3 миллион 141 минг сўмлик ипак ишлаб чиқарилиб, 452 минг сўм соф даромад олинган. Фабрика ҳовлисини кўрсангиз таптақир чўлни эслатади. Қоқ ўртадан «Оби Машҳад» ариғи оқиб ўтади-ю, атрофдаги дарахтлар сувга зор. Ҳаммаёқни чақир тикон, зар печаклар босиб кетган, йўллар эса бир ботмон тупроқ. Боғча жойлашган жойни чўлнинг эндигина обод қилинаётган қисми бўлса керак, деб ўйлайсиз. У ерга ҳам йўл устида кириб ўтдик.

Борсак, кичкинтойлар мириқиб ухлашаётган экан. Ҳеч ким йўқ. Мудири учун тарбиячи керак эмас экан. Энага Зулфия Эшмакова эса анчадан сўнг келди. Кундалик йўқлама дафтари юритилмаган. Ирина Иосифовна Нагараева группасида 2 бола ошиқча ёзилган.

Мудира Дилбар Абдураҳмонова билан ҳовлига чиққач ачинарли манзарага кўзимиз тушди: боғча ҳовлисида дарахтлар қурий бошлаган, бирор туп гул кўчати йўқ. Шундайгина пастликда шарқираб сой оқиб ётарди. Боғча орқасида ярим гектар чамаси қазиб, очиқ жойларга садарайҳонлар сепиб қўйишган бўлишармиди? Ҳозирча бу ер чўлми ёки фабрика эканлигинг ҳатто кундуз куни ҳам ажратиб бўлмайди.

Туш пайтида бир коса иссиқ овқат тамадди қилиш ниятида ошхонага кирдик. У ерда ҳам ҳафсалам пир бўлди. Таомномада кўрсатилган 14 хил таомнинг номи қоғозда, холос. Бош ошпаз Зокиржон менга берган бир кишилик масаллиқдан 1 сўм 60 тийин олган бўлса, ишчиларга бемалол 2 сўмдан пулламоқда.

Таъбим тортмай турганида бир гуруҳ аёллар ўз даврасига таклиф этишди:

Ҳафа бўлманг синглим, шунақасиям бўлиб туради, — дея ҳазиллашишди. Бу аёлнинг барчаси олий маълумотли муҳандис, ҳисобчи, технолог, мастерлар экан.

Бир пиёла чой устидаги суҳбатда уларнинг дардидан тутун чиқарди. Холида Маликова, Санталат Эшмуродова, Малика Тожибоева, Мастура Мамадалиева, Маҳфуза Ҳасановалар ўз кунлик вазифаларини ишга келишгандан сўнггина билишаркан. Нега дейсизми? Бош муҳандис Виолетта Кровякова нима деса қонунга айланган фабрикада, қаршилик қилинг-чи, оқибати не бўларкин?

Дастурхон устидаги бир зумлик суҳбатимиз етти ойдан буён курашиб келинаётган натижасиз «ҳақиқат» ҳақида бўлди.

Жумҳуриятимизда ўзбек тили давлат тили деб қонунлаштирилганига ҳам анча бўлди. Аммо корхона раҳбарлари бу қонун тўғрисида билишмас экан. Фабрика партия қўмитаси котиби Абдуваҳоб Неъматов билан барча жойларни кўздан кечирганимизда бирорта ҳам ўзбек ёзувига кўзим тушмади. Ёки ўзбек тилидаги расмий ҳужжатларни кўрмадим. Айниқса болалар боғчасида деярли барчаси ўзбек тилида сўзлашсалар-да, фақат рус тилида машғулотлар олиб борилмоқда. Чамаси жамиятдаги туб ўзгаришлар ҳали фабрика директори Раиса Ивановна Полодухина ва бош муҳандис Виолетта Вагановна Кровяковалар иш усулида умуман ўз аксини топмаган кўринади.

Виолетта Кровякова билан бўлган суҳбатимизда у «57 ёшга кирдим, шу пайтгача ўрганмадим, билишимнинг ҳожати йўқ. Мен ҳеч нарса йўқотмайман», — деди.

Фабрикадаги тартибсизлик, ўзи бўларчиликлардан сабру тоқатлари тоқ бўлган бир гуруҳ ветеранлар жумҳурият Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримов номига шикоят жўнатишган эканлар.

Шикоят юзасидан вилоят партия қўмитаси Сиёб район ижроия қўмитасига тез орада чора кўришни топширган. 1991 йил 30 май куни 16 номерли қарор қабул қилинган. Қарорда Сиёб райони ижроия қўмитаси фабрикадаги аҳволни ўрганиб, директор ва бош муҳандиснинг ишда қолиш ёки қолмаслиги масаласини кўриш учун район советига топширган экан. Район совети қарори қоғозда қолиб кетган. Аслида эса ҳеч нима ўзгармаган. Балки авжига чиқиб кетган.

Ўлимга қайтар эканман, ўз-ўзимга бераётган саволларим ором бермасди: қачонгача фабрика якка шахс ҳокимлигига бўйсунади?

Қачон ишчи-хизматчилар учун қайишадиган, қайғуриб, елиб югурадиган раҳбар бўларкин бу ерда?

Балки жавобни вилоят Совети ижроия қўмитаси, ҳуқуқ ва адолатни ҳимоя қиладиган маҳкамалардан оламиз...

М. ФАРМОНОВА.

Сирдошлар...

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

«ШАРҚ» ТОМОША ГУРУҲИ

Фарғона вилоят Фрунзе районида маданият уйи қошида ташкил этилган «Шарқ» миллий томоша гуруҳига таниқли санъаткор, вилоят Ленин комсомоли мукофоти лауреати Мухторжон Тоштемиров раҳбарлик қилади. Мазкур гуруҳ программасидан його, ҳинд-хатха-його услубидаги, шунингдек, «Узбек чойхонаси» номли томошалар, руҳиятга таъсир ўтказиш тажрибалари ўрин олган. Шарқ миллий санъатига меҳр қўйган, уни тарғиб этишга астойдил бел боғлаган Мухторжон Тоштемиров бу борада бир неча муваффақиятларга эришмоқда.

«Шарқ» миллий томоша гуруҳи аъзолари жумҳуриятимизнинг турли вилоятларида, жумладан, Сирдарё, Самарқанд, Қарши шаҳарларида, шунингдек вилоят комсомол қўмитаси ташкил этган тарғибот поезди таркибида Полтава вилоятида бўлишиб ўз санъатларини намойиш этишди. Бугунги долзарб кунларда пахтакорлар ҳузурига тез-тез ташриф буюриб, уларнинг дам олиш соатлари кўнгилли ўтишига кўмаклашишмоқда.

Санъатимизнинг кўҳна тарихига ҳурмат, уни эъзозлаш ҳиссини Мухторжон қалбида устози Дарвешбек Раҳмонов уйғотган. Бугунги кунда эса Мухторжоннинг ўзи ҳам шогирдлар тайёрлашга алоҳида эътибор бермоқда.

СУРАТЛАРДА: 1. «Шарқ» миллий томоша гуруҳи етакчиси Мухторжон Тоштемиров. 2. Гуруҳнинг ёш истеъдодли аъзоларидан бири Қурбон Абдуллаев його услубидаги машқлардан бирини намойиш этмоқда.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

Ҳафталик кўрсатувлар

Душанба, 23

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Кекса эртакчи рубойилари». Мультфильм.
18.20 Болалар учун концерт.
18.50 «Истеъдод». Адабий кўрсатув.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Хоразм». Ҳужжатли фильм.
20.00 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Ҳамшаҳарлар».
21.00 «Ахборот».
21.25 Машраб Эрматов ижросида ўзбек классик ашулалари.
22.00 Ж. Маҳмудов. «Адолат куни». А. Навоий номидаги Наманган вилояти мусиқали театрининг спектакли.
23.05 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Ассалому алайкум» (такрор.).
20.00 «Лаҳза». Хабарлар.
20.10 «Шаҳар юмушлари».
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Кунботар олдидан». Фильм-спектакль.

*

23.50 Хоккей. СССР чемпионати. «Химик»—МАСК. 2 ва 3 даврлар. Воскресенскдан олиб кўрсатилади.

● МТ—ОРБИТА-4

6.00 «Тонг».
8.35 Янги авлод танлайди. «Экологик бумеранг».
9.50 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия (Литва киностудияси).
10.55 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Жазоир эртаги.
11.00 Футбол шарҳи.
11.30 ТСН.
11.50 «Савдо растаси». Тижорат хабарлари.
12.05 Давлат телерадиоси вокал-хор студияси П. И. Чайковский асарларини ижро этади.

* * *

14.30 ТСН.
14.40 «Ўн олти шаҳардан келган ўн олти қиз». Телевизион бадиий фильм (Венгрия).
15.50 «Агар сиз...».
16.35 Болалар соати (француз тили дарси билан).
17.35 «Ён дафтар».
17.40 «Катталар учун контроль иш давом этади...». Давлат телерадиоси матбуот марказида «Эски танишларнинг оилавий хроникаси» ҳужжатли фильмлари туркумининг режиссёри С. И. Шаҳдан билан учрашув.
18.00 ТСН.
18.10 «Бозор: танлаш даври».
18.50 Футбол шарҳи.
19.20 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

● АШХОБОД КЎРСАТАДИ

20.30 Информацион программа.
21.10 Қора ва Ўрта Ер денгизи ҳавзаси мамлакатлари халқларининг фольклор-этнография биринчи халқаро фестиваль-ўйинининг очилиши. Сочидан кўрсатилади.
23.55 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
00.10 А. А. Фетга бағишланган кўрсатув.
01.15 «Марюс», Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.

Сешанба, 24

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Сўғдиёна» қизлари». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
9.50 «Волга ёдгорликлари». Телефильм.
10.00 «Ёшлик» студияси саволларингизга жавоб беради.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Экология». Телеальманах.
18.50 «Қадрият».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Мақом». Фильм-концерт.
20.20 Съездолди ўйлари. Узбекистон ёзувчиларининг X қурултойи олдидан.
21.00 «Ахборот».
21.25 «Спортлото».
21.30 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий ва мусиқа».
22.20 Ҳамид Ғулом, Шоҳида Шоҳимардонова. «Муҳаббат навоси». Мукимий номидаги мусиқий театрининг спектакли.
24.00 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
Ўқув кўрсатувлари

10.30 Физика. Модда тузилишининг молекуляр кинетик назарияси асослари.
11.00 «Юрак операцияси». Телефильм.
11.30 Математика. Натурал сонлар.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Қувноқ қадам ташлайлик». Болалар учун фильм.
19.30 Спорт кўрсатувлари: 1. «Спринт». 2. Регби мусобақалари.
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Бу оқшомда».
23.10 Эстрада концерти.

*

00.05 Футбол. Олимпия турнирининг саралаш матчи. СССР — Венгрия терма командалари. «Динамо» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади.

● МТ—ОРБИТА-4

6.00 «Тонг».
8.30 Болалар соати (француз тили дарси билан).
9.30 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
10.35 Давлат телерадиоси рус қўшиқлари академик хори «Финист-балалайка» рус халқ чолғулари ансамблининг концерти.
11.30 ТСН.
11.45 Биржа янгиликлари.

* * *

13.45 «Телемикст».
14.30 ТСН.
14.45 «Жала». Телевизион бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
15.50 «Горница» (Москва) ансамбли ижро этади.
16.05 Россия деҳқончилигининг тақдири ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси.
16.35 Цирк! Цирк! Цирк! «Қувноқ масҳарабозлар».
17.10 «Чемпионлар билан биргаликда».
17.25 «Болалар мусиқий клуби».
17.55 «Ён дафтар».
18.00 ТСН.
18.15 «Босқичлар».
19.00 «Қизиқувчилар олами».
19.15 Шеърият лаҳзалари.
19.20 «Марюс». Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
20.30 Информацион программа.
21.10 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Павел». 1 ва 2-сериялар. Танаффус пайтида—Биржа янгиликлари.
23.05 «Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар». 5-кўрсатув.
23.30 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
23:45 «Мусиқий башорат».
00.15 «Марюс», Телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.

● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Навид».
18.00 «Боғ ва боғбон».
18.30 Ҳамкорликнинг янги уфқлари.
19.00 «Новости».
19.20 Н. Қаландаров куйлайди.
20.00 «Ахбор».
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 Мирзо Турсунзода ва мусиқа.
21.50 «Гаровга олинган киши». Бадиий фильм (рус тилида).

Чоршанба, 25

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 «Ҳаётнинг бошланиши». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
9.50 «Тогда куз». Манзарали фильм.
10.00 «Кичик корхоналарга — кенг йўл».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Фаррух ва Зумрад». Мультфильм.
18.30 «Кичкинтой» студияси кўрсатади. «Китобим — офтобим».
19.00 «Тадбиркорлар».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Кафтдаги мусиқа». Телефильм.
20.00 «Театр ва замон».
21.00 «Ахборот».
21.25 «Камолот сари». Уктам Яҳёев, Гулсара Абдураҳмонова.
22.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!» Кўрсатув ва концерт.
23.00 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Фарҳод ва Ширин» достони ҳақида.
23.50 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
Ўқув кўрсатувлари

10.30 Биология. Яшаш учун кураш.
11.00 «Кубачин тўйлари». Телефильм.
11.30 Кимё. Оддий моддаларнинг тузилиши. Аллотропия.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Уй ажинаси ва бекаси». Мультфильм.
19.15 «Цирк! Цирк! Цирк!».
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Ишбилармон кишилар учрашуви». Биржалар конгресси.
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 Гитара оҳанглари.
21.40 «Кинонигоҳ».

● МТ—ОРБИТА-4

6.00 «Тонг».
8.35 «Чемпионлар билан биргаликда».
8.50 «Болалар мусиқий клуби».
9.20 «Эски танишларнинг оилавий хроникаси». Телевизион ҳужжатли фильм. «Павел». 1 ва 2-сериялар.
11.00 «Тверь тупроғида беш кун».
11.30 ТСН.
11.45 Менеджерлар мактаби.

* * *

14.30 ТСН.
14.40 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия («Грузия-фильм», «Антенн-2» ҳамда «Патэ синема» (Франция) биргаликдаги маҳсулоти).
15.45 Н. Осипов номли Давлат академик рус халқ оркестри яккахонлари квартети ижро этади.
16.10 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
17.10 «Ён дафтар».
17.15 «Планета».
18.00 ТСН.
18.15 «Ковбойлар». Мультфильм.
18.40 «Қайтиш». Чет элларда яшовчи ватандошларимиз томонидан санъат асарларини Рус музейига қайтарилиши ҳақида.
19.10 «Кинопанорама».
20.30 Информацион программа.
21.10 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР—Венгрия терма командалари. В. И. Ленин номли Марказий стадиондан олиб кўрсатилади.
23.00 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
23.15 Композитор Д. Шостакович туғилган куннинг 85 йиллигига. 7-симфония. Москва Давлат филармонияси симфоник оркестри ҳамда ўсмирлар оркестри ижро этади. Дирижёр — Р. Баршай, Лейпцигдан кўрсатилади.

● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

18.00 Кўрсатувлар тартиби.
18.05 «Навид».
18.15 Болалар учун концерт.
18.35 «Рус тилида сўзлашамиз».
19.00 «Новости».
19.20 «Телевидение ва томошабин».
20.00 «Ахбор».
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 Эстрада куйларидан концерт.
21.50 «Ҳаёти деҳот». Телеойнома.
22.40 «Ялмоғиз». Бадиий фильм.

Пайшанба, 26

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 ЎзТВ хазинасидан. «Шарқнинг етти гўзали». Фильм-концерт.
9.00 «Табиат — ҳаёт чашмаси». Кинопрограмма.
10.00 «Бунёдкор».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Қайсар қуёнча». Мультфильм.
18.25 «Алифбо сабоқлари». II босқич.
19.00 «Элга хизмат: талаб ва таклиф».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади...
20.05 Лапарлар ва ҳазил қўшиқлар.
20.45 «Этюд». Телефильм.
21.00 «Ахборот».
21.25 Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига. «Навоий гулшани».
22.30 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Чарҳпалак» ёки «Бахтингдан кўр». Оилавий кўрсатув.
23.30 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
Ўқув кўрсатувлари

10.30 Ботаника. Усимликларнинг одам ҳаётидаги ва табиатдаги аҳамияти.
11.00 «Қўриқхона масофаси». Телефильм.
11.30 Табиатшунослик. Табиатни нима учун ўрганамиз?

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Ҳинд киноси юлдузлари».
19.45 Регби. СССР чемпионати. «Звезда» (Тошкент) — КПИ (Киев).
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Бу оқшомда».

● МТ—ОРБИТА-4

6.00 «Тонг».
8.30 Болалар соати (инглиз тили дарси билан).
9.30 Футбол. Европа чемпионатининг саралаш матчи. СССР—Венгрия терма командалари.
11.30 ТСН.
11.45 ИИВ маълумотларига кўра...
12.00 Ишчан чопар.

* * *

13.45 «Телемикст».
14.30 ТСН.
14.45 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия.
15.50 Мультфильмлар.
16.20 «Биржа учувчиси».
16.30 И.-С Бах. Соль мажор 3-бранденбургча концерт.
16.45 Ҳужжатли фильм.
17.10 «Ён дафтар».
17.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.00 ТСН.
18.15 «Мансаб ибтидоси».
18.30 ИИВ маълумотларига кўра...
18.45 МТ экранида биринчи марта. «Мэри Диэр»нинг ҳалокати». Бадиий фильм (АҚШ).
20.30 Информацион программа.
21.10 «Эфирда мусиқа». 1 ва 2-қисмлар.
23.10 «Епископ Василий Родзянко билан суҳбатлар». 6 кўрсатув.
23.30 ТСН.
23.45 МТ экранида биринчи марта. «Мэри Диэр»нинг ҳалокати». Бадиий фильм.

● АШХОБОД КЎРСАТАДИ

Жума, 27

● ЎзТВ I

8.00 «Ахборот».
8.25 «Соғлом бўлай десангиз».
8.35 ЎзТВ хазинасидан. «Шарқ ёдгорликлари». Ҳужжатли фильм.
9.00 «Саёҳат—танга роҳат».
9.45 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона».

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ғаройиб ҳодисалар». Мультфильм.
18.20 «Бу сирли олам».
19.00 «Депутат ва ҳаёт».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Ғилон». Телефильм.
20.00 «Ҳорманг, пахтакорлар!». Кўрсатув ва концерт.
21.00 «Ахборот».
21.25 «Танбур наволари». Узбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдумутал Абдуллаев.
22.05 «Нигоҳ». Бадиий фильм («Тожикфильм»).
23.15 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
Ўқув кўрсатувлари

10.30 «Петропавловск», «Аннаев йигитлари». Ҳужжатли фильмлар.
11.30 Мактабгача тарбия масалалари.

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

19.05 «Уолт Дисней таништиради...». Мультфильмлар тўплами.
20.00 «Пульс». Хабарлар.
20.10 «Дарахт қўшиғини тинглаб». Телефильм.
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Кинонигоҳ».

*

00.10 Футбол. СССР чемпионати. «Локомотив» — МАСК. 2-тайм. «Локомотив» Марказий стадионидан кўрсатилади.

● МТ—ОРБИТА-4

6.00 «Тонг».
8.30 Инновация.
8.45 «Кўҳна маёқ ҳақида афсона». Мультфильм.

*

9.05 «Мэри Диэр»нинг ҳалокати». Бадиий фильм.
10.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
11.30 ТСН.

* * *

14.30 ТСН.
14.45 «Денгиз заҳматкашлари». Уч серияли телевизион бадиий фильм. 3-серия.
15.55 «Ғолиблар».
16.55 «Юз йилликлар...». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»).
17.25 Биржа янгиликлари.
17.55 «Ён дафтар».
18.00 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.
18.15 «Инсон ва қонун». Ҳуқуқий видеоканал.
19.00 «Шерик».
19.30 «ВИД» таништиради: «Мўъжизалар майдони».
20.30 Информацион программа.
21.10 «ВИД» таништиради: «13—31», «Дело», «Эркак ва аёл оила, озодлик ва севги ҳақида», «Музобоз», «Александр Малинин зиёфати».
00.25 ТСН. Халқаро воқеаларга бағишланган сон.

● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

17.45 Кўрсатувлар тартиби.
17.50 «Навид».
18.00 «Чашмандос». Янги фильмлар ҳақида.
19.00 «Новости».
19.20 «Гулшани адаб».
20.00 «Ахбор».
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Негатив». Танқидий кўрсатув.
21.40 Тожикистонда хизмат кўрсатган артист Сурайё Қосимова куйлайди.
22.30 «Кумуш кўл афсонаси». Бадиий фильм.

Шанба, 28

● ЎзТВ I

8.00 «Ассалому алайкум».

*

9.00 «Суюнчи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
10.15 «Ўзбекистон спорти».
11.00 Араб тили. 14-машғулот.
11.30 «Қизил Яримой шуъласи».
12.00 «Ҳужжатли экран».
12.45 «Чорраҳа».
13.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
14.25 Узбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига бағишланган илмий-назарий конференцияси.

* * *

17.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шахтёр». (Донецк). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —Мультфильм.
18.50 Абдурауф ва Рустам Олимовлар концерти.
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.50 «Енисей дарёси бўйлаб». Телефильм.
20.00 «Режаметовлар сулоласи». Кинокўрсатув.
21.00 «Ҳафтаномa».
22.00 Узбек куйларидан концерт.
22.50 «Алишер Навоий». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
00.35 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.00 ЎзТВ хазинасидан. «Муножот». Фильм-концерт.
9.40 «Навоий». Бадиий-публицистик кўрсатув (рус тилида).
10.40 «Сўнгги ташриф». Бадиий фильм (Рига киностудияси).
11.50 «Замандас» (қозоқ тилида).

*

12.50 «Узбекистон машинасозлиги» (рус тилида).

* * *

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

18.00 Футбол. СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шахтёр» (Донецк). 2-тайм (рус тилида).
18.50 «Спринт».

*

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

19.05 «Безнен мирас» (татар тилида).
20.10 «Меҳр-шафқатли бўлайлик».
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Садои дил» ансамблининг концерти.
22.10 «Дўстлик экрани».
23.10 «Омолондаги шифохона». Телефильм.

*

23.30 Футбол. СССР чемпионати. «Динамо» (Киев) — «Динамо» (Минск). 2-тайм.

● МТ—ОРБИТА-4

7.30 Ритмик гимнастика.
8.00 ТСН.
8.20 «Улкан, зимистон ўрмонда». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Тбилиси).
8.45 «Здоровье».
9.15 «Ҳайвонот оламида».
10.00 Тонгги дам олиш кўрсатуви.
10.30 Режиссёр А. Белинский фильмлари. «Телбанинг ёзишмалари» (Санкт-Петербург телевидение студияси).
11.40 «Бурда моден» таклиф этади...».
12.25 «Мангу муҳаббатга сазовор мамлакат. Москва Кремли». 4-фильм—«Кремль Катта саройи».
13.00 «Иқтисодий агентлик».
14.25 ТСН.
14.35 «Сухов-Кобилин иши». Кўп серияли телевизион фильми таништирилади («Союзтелефильм»).
15.20 Россия ёзувчиларининг съезди ҳақида.
15.50 Оилавий экран. «Меросхўр». Бадиий фильм («Мосфильм»).
17.30 «Образ». Юқори синф ўқувчилари учун адабий кўрсатув.
18.30 В. Леонтьев куйлайди.
19.10 «Сухов-Кобилин иши». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-фильм. 1-серия.
20.30 Информацион программа.
21.10 «Брэйн ринг». Ўсмирлар турнири. Муром ва Самара командаларининг учрашуви.
21.55 Телевизион спорт оқшоми.
23.20 Оғир атлетика. Жаҳон чемпионати. Германиядан кўрсатилади.
00.10 Гандбол. СССР чемпионати. Тур якунлари.
00.40 «—1» мусиқий клуби».

● ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ

9.00 «Саёда».
10.05 Болалар учун. «Яхши дегани нима!».
10.45 «Дунёи варзиш». Спорт кўрсатуви.
11.15 «Сўнгги ташриф». Бадиий фильм (рус тилида).

* * *

17.05 Кўрсатувлар тартиби.
17.10 «Навид».
17.20 «Овчилар залида аёллар столи». Жамбул вилояти драма театрининг спектакли.
19.20 «Гули бодом». Ёш шоирлар ижодиёти ҳақида кўрсатув.
20.00 «Ахбор».
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Пайванд». Бунафша ва Довуд куйлайди.
22.00 «Тахмарда». Телеспектакль премьераси.
22.50 «Телетомошабин ҳамроҳи».

Якшанба, 29

● ЎзТВ I

8.00 «Ҳафтаномa» (такрор.).

*

9.00 «Улуғбек хазинаси». Бадиий фильм («Узбекфильм»).
10.35 Инглиз тили.
11.05 Мактаб ўқувчилари учун. «Уйла, изла, топ!».
12.05 «Узбекистон — Ватаним манам». Адабий кўрсатув.
12.35 «Ёшлик» студияси кўрсатади. Одобнома мавзуига бағишланган видеоканал.

* * *

18.00 «Жасур йигит». Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Шифокор қасвмёди».
19.30 «Ахборот» (рус тилида).
19.45 «Узбекистон машинасозлиги».
20.20 «Якшанба оқшомида». Мусиқий кўрсатув.
21.00 «Ахборот».
21.25 АЛИШЕР НАВОИЙ ТАВАЛЛУДИНИНГ 550 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ КЕЧА ВА САНЪАТ УСТАЛАРИНИНГ КОНЦЕРТИ. Халқаро Дўстлиги саройидан олиб кўрсатилади (ёзиб олинган).
00.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II
УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

9.00 «Умид» (уйғур тилида).
10.00 «Бурч» кўрсатуви.
11.00 «Қайсар қизнинг қуйилиши». Бадиий фильм (рус тилида).
12.25 Шоир Зоҳиджон Обидов ижодига бағишланган кўрсатув.

* * *

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ «ДУСТЛИК» ВИДЕОКАНАЛИ

19.05 «Ижод саҳифалари». Қримтатар маърифатчиси Исмоил Гаспирали.
20.30 Москва. Информацион программа.
21.10 «Қимизхона» (қозоқ тилида).

● МТ—ОРБИТА-4

7.30 Ритмик гимнастика.
8.00 ТСН.
8.20 «Спортлото» тиражи.
8.35 «Сиз яратган боғ».
8.50 «Эрта саҳарлаб».
9.35 «Ватан хизматида».
10.35 «Тонг юлдузи».
11.35 «Саёҳатчилар клуби».
12.35 «Қишлоқ янгиликлари».
13.35 «Газсаноати» концерни». Ҳужжатли фильм.
13.45 «Сиз бунга қодирсиз».
14.30 ТСН.
14.45 «Большой» Америкада».
15.15 «Ер—она масканимиз». Фототанлов.
15.20 «Рок-сабоқ».
16.20 «Павловодаги овлар». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Союзтелефильм»).
16.50 «Халқаро панорама».
17.35 Турли мамлакатларнинг эртаклари ва афсоналари. Конго эртаги.
17.40 «Уолт Дисней таништиради...».



• ХАЛҚ БАЙРАМЛАРИ

«МЕҲРЖОН»

Кўп минг йиллик байрамлар тарихида ўз ўрнига эга бўлган, бироқ кейинчалик унутилиб кетган «Меҳржон» (Хоразмда — «Чирируж», Сўғдда — «Ним-сарда») ҳақида гап кетар экан, аввало бу байрамнинг илдизларини топиб, моҳиятини тушуниб олиш лозим. Акс ҳолда бу қадимий байрамнинг «пойдевори»ни яна қайта тиклаш ва замонавий шаклини бунёд қилиш мушкул бўлиб қолади. Шундай экан ўтмишга мурожаат этиб, «Меҳржон» байрамининг заминини излаш, моҳиятини очишга ҳаракат қиламиз.

Аввало тарихдан «Меҳржон» байрами ва унга боғлиқ бўлган ҳодисалар, тушунчаларни топиш зарур. Абу Райҳон Беруний ўзининг машҳур «Қадимий халқлардан қолган ёдгорликлар» номли асарида «Меҳржон» сўзини «қуёш» ва «жон севгиси» деган маънолар билан боғлаб талқин қилади. Бу бежиз эмас, албатта, чунки энг қадимий даврларда ер шарининг шимолий минтақасидаги кўпгина ибтидоий халқлар қатори ўрта осиёликлар ҳам қуёшга сиғинишган. Бу ҳақда «тарих отаси» деб танилган юнон олими Геродот ўрта осиёликлар «Худолардан фақат қуёшни эзозлайдилар, унга отларни қурбонлик қиладилар» дейди.

Зардуштийларнинг муқаддас «Авесто» китобининг 10-бобида «Митра» («Қуёш тангриси»)га бағишланган мадҳия ичида уни улуғловчи ажойиб сўзлар бор. Улардан маълум бўлишича, зардуштийлар қуёш ва унинг тангриси — «митра»ни илоҳий даражага кўтаришган.

Шунинг учун ҳам, улар қуёшни «бобо» («Қуёш бобо»), «бизни яратган илоҳий куч» деб унга сиғинишган, мадҳлар ўқишган, орзу-умидлари рўёбга чиқиши учун ундан нажот сўрашган, унинг номи билан онт ичишган, зафарга интилишган. Қуёш номини одамлар ва муқаддас жойларга қўйишган. Масалан, қадимги Хоразм тилида қуёшни «Хвара» деб, бу ўлкага «Хворазм» (кейинчалик «Хоразм») номини беришган. Кўплаб байрамлар номига ҳам «хвара» сўзи қўшилиб, «Бобохвара», «Амехвара» деб аташган. Шунингдек тарихий манбалардан қуёшга бағишланган махсус байрамлар бўлганлигини ҳам топиш мумкин. Чунончи, «Озармоҳ ойнинг биринчи куни одамлар қуёшга сиғинишарди...» деб, ёзади Беруний. Таъкидланган бу ҳодиса қиш ўтиши ва баҳор келиши даврида содир бўлса ҳам, бироқ у қуёш байрами мавжудлигини яна бир карра исботлайди.

«Меҳржон» ўша даврдаги йирик байрам бўлиши билан бир қаторда у бошқа байрамлар билан табиий боғлиқ бўлган. Айниқса, «Наврўз» билан «Меҳржон» зардуштийларнинг йилномасида бирбирига файз бериб, икки дурдек чақнаб турган. Шунинг учун бўлса керак. Беруний «Қуёш ва Ой фалакнинг икки кўзи бўлганидек, «Наврўз» ва «Меҳржон» — замоннинг икки кўзидир», дейди.

Маълумки, барча диққатга сазовор ҳодисаларнинг яхши ниятлар билан бошланиши ва муваффақиятли якунланиши байрам кайфиятини тақозо этади. Агар табиат уйғониши далаларда иш бошланиши «Наврўз» («йил боши») сифатида тантана қилинган бўлса, ўсимлик дунёсининг ўсишдан тўхтаб, «уйқуга кетиши», меҳнат мавсуми якунига етаётганлиги «Меҳржон» (йил ярми) шаклида нишонланган. Бу байрамлар шунчаки ўйлаб топилмаган, балки улар коинот, табиат қонуниятлари, қуёш ва ер ўртасидаги муносабатлар асосида вужудга келган. Негаки, «Наврўз» баҳорги куну тун тенглигини қайд қилса, «Меҳржон» кузги ўша ҳолатдан нишона берган. «Меҳржон» байрами, бир томондан, коинот ва ерга жон ато этиб турган қуёшни қадрлашга, ўз нури ва ҳарорати билан ҳосил етказишга берган ёрдами учун миннатдорчилик билдиришга имкон яратган бўлса, иккинчидан, барчани қиш ғамини ейишга ундаган.

Асрлар ўтиб, зардуштийлик ўрнига янги дин (ислом) жорий қилинганидан сўнг, гўёки «Меҳржон» энди одамлар қалбига кўчиб, инсон меҳрига айлана боради. У Беруний таъкидлаганидек «жон севгиси»га айланади. Шу билан бирга у кишилар орасидаги муҳаббат, раҳм-шафқат, раҳмдиллик, ғамхўрлик каби хислатларни англатувчи маъно касб эта боради.

Аждодларимиз тарихида асосий байрамлардан бирига айланган «Меҳржон» кейинги минг йил ичида алоҳида байрам сифатида нишонланмай қўйилган бўлса-да, у бутунлай йўқолиб кетмади. Аниқроғи, у турли — куз ва ҳосил байрамларига бўлиниб кетган эди.

Қувонарли ҳол сифатида шуни таъкидлаш керакки, ҳозирги вақтга келиб, кўпгина қадимий байрамлар каби «Меҳржон»ни тиклаш ғояси уйғона бошлади. Сўнгра бу масала оммавий ахборот воситаларида кўтарилди. Бу қадимий анъана аввалига Тожикистонда қайта туғилди. Душанбедаги жумҳурият ўйинғоҳи (стадиони)да «Меҳржон» номли катта оммавий томоша ўтказилиши Ўрта Осиё байрамлари тарихида улкан воқеа бўлди. Бир йил ўтмай қадимий «Меҳржон» Ўзбекистонда ҳам нишонланди. Тошкент шаҳар Марказий болалар истироҳат боғида («Узум сайли» асосида) уюштирилган «Меҳржон»ни байрам ташкилотчилари (Б. Аминов, , Ў. Тоҳиров, Ш. Отабоев ва бошқалар) катта «боғ сайли»га айлантириб юборишди. Шундан кейин «Меҳржон» жумҳуриятимиз бўйлаб кенг «қанот ёйди»: 1990 йилнинг ўзидаёқ Тошкентнинг Тожиев ва «Мевазор» маҳаллаларида, Самарқанднинг Регистон майдонида, Андижон вилоятининг Жалолқудуқ районида, Қашқадарёнинг Яккабоғ шаҳрида қайта туғилган «Меҳржон» байрами зўр шодиёнага айланиб кетди.

«Меҳржон» оламга нур, ҳарорат ва ҳаёт бериб турган «Қуёш бобо»га бўлган миннатдорчилигимизни акс эттирадиган, коинот, табиатни чуқурроқ тушунишга ундайдиган, она-ерни ардоқлашга кўмак берадиган, деҳқон меҳнатини эзозлайдиган, инсониятга «жон севгиси»ни бахш этадиган, раҳм-шафқат, меҳр-мурувват, мангу муҳаббатни улуғлайдиган, катта халқ байрами бўлиб қолишига ишонамиз.

Усмон ҚОРАБОЕВ,
педагогика фанлари номзоди.

Алла болам, алла-ё... Ҳайдар ҚУРБОНОВ олган сурат.

Даврa

Дам олиш куни саҳифаси

Ассалому алайкум, азиз МУШТАРИЙ!

Рўзномамиз бугундан бошлаб, ҳар шанбада мунтазам бериб борилиши режалаштирилган дам олиш куни

ДАВРА

саҳифасини очмоқда. Унда сиз турфа янгиликлар, қизиқ-қизиқ хабарлар, назм ва насрда битилган ҳажвиялар, латиф-латиф ҳангомалар-у дилкаш гурунглар, ичак узди кулгилар-у ўқишли мақолалар билан танишиб турасиз. Тилагимиз, ниятимиз дам олиш куни даврангиз хушвақт ўтсин!

• *Жиноят ва жазо*

МАШИНА ЎҒРИЛАРИ УШЛАНДИ

Самарқандда шахсий енгил автомашиналарни ўғирлаш ҳамда катта миқдордаги тўлов эвазига эгаларига қайтариб берадиган тўда пайдо бўлганлиги ҳақидаги гап-сўзлар кўпчиликни анчадан буён ташвишга солиб келаётганди. Шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бўлинмаси ходимлари олиб борган изланишлар муваффақиятли тугади. «Қопқон» операцияси пухта амалга оширилди. Ўғри-таъмагирлар жиноят устида қўлга туширилди.

Жиноятчилар асосан ҳеч қаерда ишламайдиган безори кимсалардан иборат бўлиб, улар кўпроқ савдо ва бошқа хизмат соҳалари ходимларига тегишли автомашиналарни олиб қочиш билан шуғулланганлар. Уларнинг мўлжалига кўра бундай кишилардан тегишли «суюнчи» пулини олиш осонроқ бўлган.

Ўғрилар машҳур «Автомобилдан сақлан» саргузашт кинофильмидан «илҳомланган» бўлсалар ажаб эмас. Аммо уларнинг ўша фильм қаҳрамони Юрий Деточкиндан фарқлари шуки, ғайриқонуний топилган пулни «хайрли» ишларга сарфлашмай, ўзаро бўлиб олишган.

Терговни бошқарма тергов бўлими бошлиғи Ҳ. Пардаев бошчилигидаги тажрибали изқуварлар олиб боришмоқда. «Суюнчихўрлар» яқин орада суд олдида жавоб беришади.

Ҳабиб ТЕМИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

ҚОЗОНИНГИЗ ТУҒДИ

Афандининг уйига яқин дўстлари меҳмон бўлиб келишди. Уйида гўшт йўқ экан, даканг хўрозини шартта сўйиб, шўрва қилмоқчи бўлди. Қараса қозони жуда қичкина. Қўшнисидан ялиниб-ёлвориб катта қозонни олиб чиқиб қайнатди.

Иккинчи куни эгаси қозонни сўраб чиқди. Афанди ўзининг қозончасини қўшиб берди. Қўшнисининг чеҳраси очилди:

— Э...э, Афанди, нега қозон иккита?

— Қозонингиз туғди, — деди Афанди.

Қўшниси хурсанд бўлиб, қозонларни олиб чиқиб кетди.

Яна бир куни Афанди қўшнисининг катта қозонини олиб чиқиб овқат қилди. Эгаси қозонни сўраб қолганда Афанди:

— Қўшни, қозонингиз ўлди, — деди.

Қўшнисининг жаҳли чиқди:

— Ҳай, қанақа одамсиз, қозон ҳам ўладими?

— Ҳа, туққанига ишондингиз-ку, ўлганига ишонмайсизми? — деди Афанди.

София ҲАБИБУЛЛА қизи.

• *Коса тагида ним коса*

ҲАММА БАЛО ТИЛДАНДИР

Очиғи, ликопча ғизиллаб учиб юрган ғала-ғовур замонда ҳайратга тушавершш ҳам кулгили. Аммо биз ноумид эмасмиз, «янги»лисон соҳиблари-нинг кўпайиб бораётганидан руҳланиб юқоридаги жумбоқнамо рукнни ташкил этдик. Унда ноёб тилда сўзлашувчилар баҳоли қудрат ўз маҳоратларини намойиш этишлари мумкин. Келажакда жумҳуриятимизнинг ана шундай истеъдодлари ўртасида беллашув ўтказиш ниятимиз ҳам йўқ эмас. Бугунгиси эса хамир учидан патир, холос.

— Так, ўртоқлар. Бугунги мероприятия шундан иборат. Протоколдаги фикрлар ҳамма учун ясна, менимча. Бу хусусда, яъни давлат тили ҳақида цикль беседалар уюштирдик. Ҳамманинг хабари бор. Бу реальность, миллатчилик эмас. По моему бундан тегишли вивод қилинган бўлса керак. Тушундикми, ўртоқлар. Энди аппаратда ишни запроста ўзбекча обборсак бўлаверади. Закон есть закон! Бундан чекиниб бўлмайди...

* * *

— Ҳў, ака, ўтсангизчи орқага, места навалом. Менга мешайт қиляпсиз, одам бунчалик капризний бўлмаслиги керак. Мелочим йўқ деяпманку. Кейин оласан қолганини, мелочлик қилма. Дурнойми дейман, резкий поворот беради-я. Правилани билмайди.

* * *

— Зимний обувь йўқ! Товар поступления бўлмопти дейопманку, поступлениени бизам кутапмиз. Спрос шунақа. Полкага қаранг пустой. Бекорга обижаться қилопсиз. Манга доверять қилмасангиз директорга заявления қилинг. Уни записсиз бермайман. Талон керак. Вот так. Қаерга жалоб қилсангиз башимо. Бу ерга ман кто? Причём ман?..

* * *

— Звонок бўлдими жойингга ўтир-да. Дежурный лентяй экансан. Тряпка қани? Мель йўқ. Сал живой бўлсанг бўлмайдими? Прогулчилар йўқми, указкани ол буёққа. Хўш, числони ёзамиз. Бугун пятницами? Эртадан кейин отдыхда, шундайми, болалар? «Ҳа шундай». Значит, тема материкслар. Хўш, сен нима демоқчисан? Турциями? У Ираннинг ёнида, Арменияниг биқинида. Улар сосед.

* * *

— Отчут олдим. Ҳозир контурдан келяпман. Обшим, ҳеч нарсага тушуниб бўлмайди. Сўртнист яхши бўлса отчут яхши чиқаркан. Шунга эътибор бермапман. Примиальный олдим, 20 сўм, зарплатадан ташқари. «Мени позўр қилманг, ҳар сезонда шундай қиласиз», — дедим бригатга. Пахтадаям шундай қилганди. Бошқаларга 50 сўмдан ёзибди. Унинг олдига бухой бўлиб бериш керак. Ўзи ювош кўринсада хитрый одам. Бу пулга мушук офтопга чиқмайди. Семяниям боқиш керак. Унга нима...

* * *

Табиб бемор чолни кўриб бўлгач, деди:

— Бобо сизда простуда бор. Кечаси температура қилмайсизми?

— У нима деганинг, ўғлим?

— Касалингизни айтяпман. Ҳозир қиш сезони, климат тез-тез ўзгариб турибди. Организмга таъсири кучли. Кейин нервни ҳам мустаҳкам қилинг. Бобойларнинг кўпи закалённый бўлади-ку! Нега сиз слабийсиз. Еки кўп қийналганмисиз?

— Э, болам, у ёғини сўрама. Нервний, закулини дедингми, нима уям касалликми?

— Оббо, бобо содда экансизку, шуниям тушунмадингизми? Хўп майли, ҳозир рецепт ёзиб бераман, аптекадан дори оласиз. Лечениями яхшиласангиз тузалиб кетасиз...

Абдулваҳоб ИРДИСНАЗАР ўғли ёзиб олган.

Ана, энди яна бир гап: тунов куни ҳажвчилар ҳужраси (улар ҳечам уй-жойга ёлчишмаган)да ғалати мусобақага гувоҳ бўлдим. Улар ўзаро бехосдан айтиб юборилган ҳар бир бегона сўз учун 10 тийин жарима жорий этишибди. Буни қарангки, жамғарма давра бошининг саройида (ҳар нечук бошлиқда) эмиш. Шунга қиёсан жумбоғимизнинг бош калити мана бундай.

1. Сизнингча, бундай сўзловчилар қайси соҳада кўпроқ?

2. Мабодо ўлкада шундай иш юритилса (ташаббусни қўллаб-қувватлашда доимо биринчимиз-ку, ахир!) тўпланажак маблағга нима қурса бўлади?

«Ёлғон эмас, қулоқ тепмас» жавоб эгаларини гойибона мукофот кутгай.

СОВЕТ МИЛЛИАРДЕРИ КИМ?

Эшитишимча, қайсидир нашрда СССР Олий Кенгаши Раёсатининг собиқ котиби М. Георгеадзенинг кўп миллиардли мулки ҳақида хабар босилган экан. Шу ҳақда тўлароқ билмоқчи эдим.

[Э. Федосеева, Апрелевка, Москва вилояти].

Бу мавзудаги мақола «Столица» ойномасининг шу йилги 23-сонида эълон қилинган. Унда қуйидагича хабар берилган (Олтой ўлка ижроия комитети ва СССР Журналистлар уюшмаси ўлка ташкилотининг «Досье 02» ойномаси хабари асосида):

«...М. Георгадзенинг кўпминорали шахий саройи ертўлаларидаги сейфдан қимматбаҳо кўзли узуклар, зираклар, кулонлар, тақинчоқлар шунингдек 8 килограмм бриллиантлар ва олмослар, 100 бўлак олтин қуймаси, 40 миллион сўм пул ва 2 миллион чет эл валютаси топилган. Бу ерда Москва Кремли ҳамда Эрмитаждаги омборлардан ўғирланган бебаҳо хазина ва Тарих музейидан олинган Леонардо да Винчи, Рубенс, Вон Дейк, Айвазовскийнинг полотнолари ҳам сақланаётган экан».

Ҳамма бойликларнинг тахминий баҳоси, — деб хабар берилган, — уч миллиард сўмдан кам эмас. Буни солиштириш учун қуйидаги рақам келтирилган: СССРнинг ҳамма бюджети 200 та «георгадзе», яъни 600 миллиарддир... Эслайсизми, Остап Бендер «атиги» миллион сўмни орзу қилган эди. Бу ёлғон эмас.

«Труд» рўзномасининг 1991 йил 14 сентябрь сонидан.

КИМ НИМА ДЕЙДИ?

Тошбақа: ишонмасанг қувиб ўтма.

Сотувчи: қайтим сўрасанг, дўконимга кирма.

Бошлиқ: бизда бетгачопарга иш йўқ.

Шифокор: қуруқларни йўқ кўргани кўзим.

Қурувчи: рост гапирган номард.

Ошпаз: пашша чиқса, емай ўзимга беринг.

Ўқитувчи: бола озу пули кўп бўлса.

Аптекачи: йўқ десанг, нархи ортади.

Бозорқўм: миллионлар тийинлардан пайдо бўлади.

Лектор: иш билгунча гап бил...

Ҳайдовчи: пулни тўлаю, патта сўрама.

Порахўр: бировга айтманг, жон ака! Буни сизнинг ҳожатингизни чиқараман деб оляпман.

Лаганбардор: туфлингиз чангини кўзларимга тўтиё айлай.

Т. АШУРОВ.

РАССОМ ТАБАССУМИ

— Шу ишни тўла ҳал қилмагунимча ҳеч кимни қабулимга қўйманг!

Аброр ОРИПОВ чизган расмлар.

Врач маслаҳати

Илгари ҳозиргидек доридармонлар йўқ пайтида қатиқ йўтални қуйидагича давоблаганлар:

500 грамм арчилган пиёзни майда қилиб тўғраб унга 50 грамм асал ва 400 грамм шакар қўшиб бир литр сув билан уч соат давомида паст оловда қайнатганлар. У совугач шишаларга солиб оғзини маҳкам ёпиб қўйишган. Керак пайтда ҳар куни 4-5 ош қошиқдан ичиб турилган.

* * *

Мабодо сизни бош оғриғи қийнаса, чап қўлингизни орқа бўйнингизга, ўнг қўлингизни эса кўкрагингиз устига қўйинг. Шу ҳолатда кўзингизни юмиб 10-15 минут ўтиринг.

* * *

Ангина бўлганда эса, томоғингизга ўнг қўлингиз кафтини маҳкам босиб туринг, чап қўлингизни эса бўйнингизни орқасига қўйинг. 15-20 минутдан бу муолажани бир неча кун қайтарсангиз тузалиб кетасиз.

* * *

Тумов бўлганда чап қўл кафти бурун усти ва пешонага қўйилади, ўнг қўл эса кўкрак устида бўлади. Орадан 15 минут ўтгач тумов тарқаб кетади.

Биласизми?...

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра японлар дунёда энг узоқ умр кўришар экан: аёллари ўртача 82,5 ёш, эркаклари — 76,5 ёш. Улардан кейин француз ва швейцария аёллари (уларнинг ўртача умри 81,5 ёш), греклар (74,3), шведлар (74,2), америкаликлар (71,6) туришар экан.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи: Н. С. САЪДУЛЛАЕВ.

Таҳрир ҳайъати: А. А. АБДУЛЛАЕВ, Ф. Й. АБДУРАҲИМОВА, И. Г. ВОЛКОВ, Д. М. ҒУЛОМОВА, С. С. ҒУЛОМОВ, З. И. ЕСЕНБОЕВ, А. И. КОВАЛЕВ (масъул котиб), Л. П. ҚАЮМОВ, Тоҳир МАЛИК, М. МУҲАММАДҚУЛОВА, С. Ф. МУҲИДДИНОВ (масъул котиб), Т. Э. НАЗАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари), З. Қ. НОРМУҲАМЕДОВ, Л. Н. ПАК (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Р. ПИДАЕВ, М. РЎЗИМАТОВ, О. Р. САИДОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари), В. Н. СИГЕДИН, Ш. ТЕМУРОВ.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши
МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, ГСП
Тошкент шаҳри, Ленинград кўчаси, 19-уй
Телефонлар: 32-09-67, 33-07-48. Индекс: 64668. Буюртма № 5837.
118800 нусхада чоп этилади.

Халқ сўзи

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри, 700083. Ленинград кўчаси, 32-уй. Босмага топшириш вақти 21.00. Босмага топширилди: 21.00.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10